



Халқ сўзи

Ўзбекистон
КЕЛАЖАГИ
Буюк
ДАВЛАТ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2010 йил 18 декабрь, № 243 (5158)

Шанба

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНING СЕССИЯСИ

Шу йил 17 декабрь куни халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов нутқ сўзлади.



Самарқанд замини хусусида сўз юритганда, биз унинг қадимийлиги, дунёдаги энг кўҳна ўлкалар қаторида туриши, шу билан бирга, гўзал ва бетакрор табиати, умумбашарий цивилизация ривожига қўшган беқиёс ҳиссаси ҳақида, улуг мутафаккир зотлар, олиму фузалолар ва жасур саркардалар ҳақида гапиришимиз одат тусига кириб қолган, деди Юртбошимиз. Лекин бугун Самарқанд воҳасининг ана шундай буюк тарихини яна бир марта эътироф этган ҳолда, вилоятнинг ер ости ва ер усти бойликлари, унинг улкан салоҳияти, бундай ноёб имкониятларни ишга солиш ва уларни эл-юртимиз манфаати йўлида оқилона ишлатиш хусусида фикр юритишимиз айна муддао бўлади. Бунда, авваламбор, бу соҳада қилаётган ишларимизга танқидий кўз билан қараш ва ҳолисона баҳо бериш асосий вазифамиз бўлиши керак. Ўз фаолиятимизга чуқур ва атрафлича баҳо бермасдан, бой берилган имкониятларни тўғри тахлил қилмасдан ва тегишли хулосаларни чиқармасдан туриб, ҳаммамиз яхши тушунамизки, бошлаган ишларимизни давом эттириш, энг муҳими, ҳар қайсимиз ўз жойимизда халқимизнинг биз билдирган ишончини оқлашимиз кийин бўлади.

Бу ҳақда гапирар эканмиз, бир ҳақиқатни эсимиздан чиқармаслигимиз лозим: Самарқанд вилояти, шу юрда яшаётган меҳнаткаш халқ ҳеч қачон оқсоқлар қаторида бўлмаган, доимо илгорлар сафидан муносиб ўрин эгаллаб келган, лўнда қўлиб айтганда, ҳеч қимдан кам бўлмаган ва кам бўлмайди, деди Ислон Каримов.

Давлатимиз раҳбари бутун мамлакатимизда бўлгани каби, Самарқанд воҳасида ҳам кейинги йилларда вилоят аҳлининг фидокорона меҳнати билан кўпгина ижобий ўзгаришлар амалга оширилган ҳақида тўхталиб, қуйидаги мисолларга алоҳида эътибор қаратди.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 112 фоизга ўсган, sanoatда 116 фоиз, қишлоқ хўжалигида 108,5 фоиз, қурилиш соҳасида 140 фоиз ўсишга эришилган. Вилоят меҳнаткашлари пахта ва галла, қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқлари бўйича ҳам шарт-

нома режаларини муваффақиятли адо этиб, Самарқанд деҳқонларининг миришкорлик фазилатларини амалда намоён этиб келмоқда.

Капитал қурилиш соҳасида ҳам салмоқли натижаларга эришилмоқда. Айниқса, Самарқанд шаҳрини 2009 — 2012 йилларда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар Дастури тўғрисидаги ҳукумат қарори асосида бу азим шаҳарда улкан бунёдкорлик ва ободончилик ишлари амалга оширилмоқда. Шаҳарнинг 5-10 йил бурунги қиёфаси, тангу тор кўчалари, режасиз, палапартиш қурилган кўримсиз биноларини Самарқанднинг бугунги манзараси билан солиштирадиган, қиёслайдиган бўлсак, ер билан осмонча фарқ борлигини кўриш қийин эмас. Хусусан, Самарқанд аэропортини реконструкция қилиш учун катта сармога жалб қилиниб, бу ерда бажарилган қурилиш ва ободончилик ишлари натижасида аэровокзал комплекси энг замонавий талабларга жавоб берадиган, гўзал қиёфага эга бўлди. Худди шундай ўзгаришлар Самарқанддаги темир йўл вокзали ва унинг ён-атрофида ҳам амалга оширилди.

Айни вақтда 14 миллиард 700 миллион сўм маблағ ҳисобидан шаҳар кўчаларининг катта қисми кенгайтирилиб, қапитал таъмирланди. Жами 450 та объектда, жумладан, 42 та кўп қаватли уй, 165 та савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси, 60 та ижтимоий соҳа объекти, бир қатор маъмурий ва хусусий тураржой биноларида кенг қўламли қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилди. Бу мақсадлар учун корхона ва ташкилотлар маблағлари, банкларнинг кредити ҳисобидан қарийб 152 миллиард сўм сарфланди.

Дунёга машҳур, кўпчилик бир қўришни орзу қиладиган, Самарқанд аҳлининг энг сеvimли маскани бўлмиш Регистон майдони, Бибиҳоним, Шоҳи Зинда, Ҳазрати Хизр зиёратгоҳлари охириги йилларда ҳар томонлама обод қилиниб, бугун жаҳондан келадиган меҳмон ва сайёҳларнинг ҳавасини тортмоқда. Имом Бухорий мажмуасида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари, бундай муқаддас қадимжоларнинг янада обод бўлиб бораётгани кўпгина му-

сулмон мамлакатлари давлат арбоблари ва жамоатчилиги, минглаб зиёратчиларнинг юксак эътибори ва ҳурматиға сазовор бўлмоқда.

Шу кунларда 6 миллиард 500 миллион сўм маблағ сарфланиб, Сиёб деҳқон бозорини реконструкция қилиш ва унинг ҳудудини ободонлаштириш ишлари якунига етказилмоқда. Шулар қаторида, салкам 4 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилиб, Самарқанд шаҳридаги Мирзо Улуғбек расадхонаси ҳудудида янги музей биноси, кенг майдон ва сўлим хиёбон барпо этилди, буюк бобомизнинг муаззам ҳайкали ўрнатилиб, бугунги кунда бу маскан Самарқанд тарихининг яна бир ёрқин кўзгусига айланди.

Самарқанд шаҳри билан бир қаторда Пастдарғом, Жомбой ва Ургут туманларида, узок-яқин қишлоқларда ҳам ана шундай кўплаб бунёдкорлик ишлари олиб борилмақда.

Бир сўз билан айтганда, Самарқанд воҳасида кейинги йилларда қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш учун барча манбалар ҳисобидан қарийб 200 миллиард сўм капитал маблағ йўналтирилди. Буларнинг барчаси Самарқанд шаҳри, вилоятдаги туман ва қишлоқларимизнинг янада кўркам ва обод бўлишида, шу юрда яшаётган инсонларнинг эҳтиёжини таъминлашда салмоқли қадам бўлиб, айни вақтда хорижий сайёҳ ва меҳмонларнинг ҳайрат ва ҳавасини уйғотмоқда.

Сессияда бундай кенг қўламли ишларга ҳолисона баҳо берилган ҳолда, Самарқанд вилоятининг катта салоҳиятини, энг муҳими, бу ерда истиқомат қилаётган аҳолининг тобора ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини инобатга олиб, бу талабларни қондириш, вилоятда мавжуд бўлган ресурс ва имкониятларни оқилона ишлатиш бўйича ҳали қилинадиган ишлар кўплиги алоҳида таъкидланди.

Маълумки, ҳозирги кунда иқтисодиёт тараққиётини инвестициялар, авваламбор, хорижий инвестицияларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу борада Самарқанд вилоятидаги мавжуд аҳолга назар ташланадиган бўлса, вилоят иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этиш масаласига етарли даражада эътибор берилмаяпти. Утган йили тўғридан-тўғри жалб

этилган инвестициялар миқдори 10 миллион долларни ташкил этгани ҳолда, бу йил ушбу кўрсаткич 6 миллион долларга тушиб қолганини афсус билан қайд этиш лозим.

Хорижий инвестициялар иштирокида барпо этилган қўшма корхоналарнинг 14 таси мутлақо ишламаяпти, 6 таси жорий йилда ўз фаолиятини тугатган ва яна 4 таси тўхташ арафасида турибди.

Самарқанд воҳасида мамлакатимиз иқтисодиёти учун долзарб аҳамиятга эга бўлган масала — яъни вилоятда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни экспорт қилиш ҳажмини ошириш, шу орқали валюта тушумини кўпайтириш ва корхоналарни модернизация қилиш ишлари ҳам талаб даражасида эмас. Биргина жорий йилнинг 9 ойи мобайнида маҳсулот экспорти 56 миллион долларни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу давридагиға нисбатан 50 миллион долларлик маҳсулот кам экспорт қилингани ҳам буни исботлайди.

Юртбошимиз sanoat соҳасидаги муаммолар ҳақида гапирар экан, номи бир пайтлар бутун минтақаға машҳур бўлган «Самарқанд лифтсозлик заводи», «8 Март», «Нафис» чинни фабрикаси каби корхоналар деярли фаолият кўрсатмаётгани, «Сино», «Алпомиш», «Кинап» каби йирик заводлар эса 35-40 фоиз қувват билан ишлаётгани вилоят раҳбариятини ташвишга солмаётганини афсус билан қайд этди.

Вилоят бўйича рўйхатга олинган қарийб 15 минг кичик бизнес субъектининг 4 мингга яқини умуман фаолият кўрсатмаяпти. Бундай корхоналарнинг аксарияти Самарқанд шаҳри, Нуробод, Пахтачи туманларига тўғри келади.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда, жумладан, Самарқанд вилоятида қишлоқларимизни ҳар томонлама тараққий топтириш мақсадида катта ишлар амалга оширилаётгани, айни пайтда бу борада йўл қўйлаётган камчиликлар, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечимини ҳақида атрафлича таҳлил бўрилмоқда.

Самарқанд вилоятида намунавий лойиҳалар бўйича замонавий уй-жойлар барпо этиш учун жорий йилнинг ўзида 21 та қишлоқ массивида қарийб 44 миллиард сўмлик капитал маблағ ҳисобидан 650 та уй-жой қуриш ва уларни шу йилнинг учинчи чорагида фойдаланишга топшириш белгиланган эди. Лекин, афсус билан айтиш керакки, бундай янги, одамларнинг интилишини тортаётган, қишлоқларимизни обод қилиш, қишлоқ ҳаётини шаҳар даражасига кўтаришда истиқболли катта бўлган муҳим масалаларга етарлича эътибор берилмаяпти. Бунинг натижасида ана шу уйларни қуришда сусткашликка ва уларни топшириш мuddатларини асоссиз навишда чўзиб юборишга йўл қўйилмоқда.

Ҳаммамизга яхши маълум бўлиши керакки, жойлардаги барча янги қурилишлар ёки ободончилик ишлари бўладими, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларни ўз вақтида бериш бўладими, муҳтож оилаларга ёрдам кўрсатиш бўладими — буларнинг ҳал қилувчи энг муҳим манбаи вилоят, шаҳар ва туманларнинг молиявий аҳолиға бевосита боғлиқдир, деди Юртбошимиз.

Шу борада Самарқанд вилоятидаги ишлар тахлил қилинди. Аввало, 2009 йилда дотацияга тушиб қолган 8 та туманининг ханузгача дотацияда қўлиб келаётгани қайд этилди. Айниқ-

са, Қўшрабат, Булунғур, Пайариқ, Иштихон, Пастдарғом ва Каттакўрғон туманларида дотация улуши юқорилигиға қолаётганиға эътибор қаратилди.

2010 йилнинг 1 октябрга қадар вилоят бўйича дебиторлик қарзлар қарийб 830 миллиард сўмни, кредиторлик қарзлар эса деярли 950 миллиард сўмни ташкил этган. Хусусан, Самарқанд шаҳрида, Булунғур, Нуробод, Пайариқ, Ургут ва Қўшрабат туманларида дебиторлик ва кредиторлик қарзлар йил бошиға нисбатан камайиш ўрниға ўсиб бормоқда.

Аҳвол шундай бўлишиға қарамасдан, бу муаммонинг ечимини бўйича на вилоят, на ушбу ҳудудлар раҳбарлари томонидан аниқ амалий чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган.

Вилоятда sanoat корхоналарини молиявий соғломлаштириш борасида ҳам етарлича чора-тадбирлар кўрилмапти. Бунинг натижасида шу йилнинг 1 октябрга 7 та корхона ўз фаолиятини зарар билан яқунлаб, қўрилган зарар миқдори 3 миллиард 460 миллион сўмдан ошиб кетган.

Президентимиз ҳар томонлама ўринли таъкидлаб ўтганидек, бундай корхоналарда ишлаётган одамларнинг ҳаёти, тақдирини нима бўлади, улар оиласини қандай боқадди, ишсизликнинг кўпайиши эртаға қандай оқибатларға олиб келиши муимлиги ҳақида вилоятда ўзини раҳбар деган, етакчи деган шахслар умуман ўйлаётганими-йўқми, деган савол, афсуски, жавобсиз қолмоқда.

Мамлакатимизда аҳолини, авваламбор, ҳаётға кириб келаётган ёшларимизни иш билан таъминлаш масаласи қандай ўткир ва долзарб бўлиб тургани, бу муаммонинг ечимини бўйича кейинги йилларда амалға оширилаётган ишлар, ушбу масала давлатимиз, жамиятимиз, барча-барча идоралар, фаолларнинг эътибор марказида тургани ҳақида ҳам фикр юритилди.

Давлатимиз раҳбари юртимиз бўйича 2010 йилнинг ўзида 940 мингдан кўпроқ янги иш ўрни ташкил этилган бўлса, уларнинг ярмидан кўпи қишлоқ жойларда очилганини қайд этди ва қуйидагиларни таъкидлади.

Маълумки, Конституцияимиз байрамиға бағишланган мажлисдаги Президент маърузасида бу масалаға алоҳида эътибор қаратилди. Энг муҳими, бу йўналишдаги муаммоларни ечишда биринчи навбатда раҳбарлар — бу вазирлик ва марказий идоралар раҳбарлари бўладими, вилоят, шаҳар, туман ҳокимлари бўладими — уларнинг зиммасига қандай катта масъулият юклатилгани ҳақида атрафлича сўз юритилди.

Самарқанд вилояти Кенгашининг сессиясида ҳам бандлик масаласининг нақадар муҳим ва ҳал қилувчи, ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий-иқтисодий, ҳам маънавий нуқтаи назардан қай даражада долзарблиги яна бир бор ўртаға қўйилди.

Албатта, бундай муаммоларни ечишда Самарқанд вилоятида, шаҳар ва туманларда анча ишлар қилинган. Лекин бу масала бўйича Олий Мажлис томонидан тасдиқланган дастурнинг Самарқанд вилоятида 97 фоизға бажарилганини нима билан изоҳлаб бўлади?

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

З. Т. МИРЗАЕВНИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИГА ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддаси ҳамда халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг қарорига мувофиқ:
Зойир Тоирович Мирзаев Самарқанд вилояти ҳокими лавозимига тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2010 йил 17 декабрь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ў. И. БАРНОЕВНИ САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ЛАВОЗИМИДАН ОЗОД ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 15-банди ва 102-моддасиға мувофиқ:
Ўқтам Исоевич Барноев Самарқанд вилояти ҳокими лавозимидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2010 йил 17 декабрь

ТАДБИРКОРЛАР ҲАМКОРЛИГИ КЕНГАЙМОҚДА

Мамлакатимизға ташриф буюрган Корея Республикасининг Кичик ва ўрта бизнес корпорацияси (SBC) делегацияси Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси томонидан ташкил этилган бизнес-семинарда иштирок этди.

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда яратилган қўлай инвестиция муҳити хорижий тадбиркорларнинг мамлакатимизда самарали фаолият юритишиға ёрдам бермоқда, ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтириш ва мустақамлашға хизмат қилмоқда. Корея Республикаси Ўзбекистоннинг Осиё — Тинч океани минтақасидаги савдо шериклари орасида етакчи ўринини эгаллайди. Икки давлат ўртасида ҳар томон-

лама қўлайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Мазкур семинар Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ҳамда Корея Республикаси Кичик ва ўрта бизнес корпорацияси ўртасида шартнома имзоланган доирасида икки мамлакат ишбилармон доиралари вакилларининг ўзаро инвестициявий ҳамкорлигини янада кенгайтириш мақсадида ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда).

ЗАКОВАТ ВА ИСТЕЪДОД НАМОЙИШИ

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Келажак овози» республика кўриктанловининг жорий йилги мамлакат саралаш босқичи бошланди.

Мазкур лойиҳа ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш, истеъдодли ёшларни аниқлаш, уларни қўлаб-қувватлаш ва рағбатлантириш каби эзгу мақсадларға қаратилганлиги билан ниҳоятда аҳамиятлидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, «Келажак овози» республика кўриктанловига бу йил Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 71 минг нафардан зиёд йигит-қиз ариза топширди. Эътиборлиси, улар жорий йил нафақат таълим масканлари, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг жойлардаги бўлимлари орқали, балки www.kelajakovozi.uz интернет сайти ёрдамида ҳам ариза тўлдирish имконига эга бўлдилар.

Танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларида голиб чиққан 213 нафар йигит-қиз архитектура ва дизайн, ахборот технологиялари, рационализаторлик тақлифлари ва техник ишланмалар, тасвирий ва амалий санъат, адабий ижод ва публицистика номинациялари бўйича ўз билим-маҳоратларини намоён этмоқдалар.

(Давоми 2-бетда).


ЖАҲОН

24 соат ичида

Кўнгилсизлик туфайли

Перуда йирик йўл транспорти ҳодисаси содир бўлди.

Мамлакатнинг Уануко ва Ла-Юньон шаҳарларини боғлаб турувчи йўлда автобуснинг баландликдан кулаб кетиши оқибатда 15 нафар одам ҳаётдан кўз юмган. Йигирма нафар йўловчи эса тан жароҳати олган. Фожия юз берган вақтда автобусда жами 50 киши бўлган.



талабга жавоб бермаслиги бунинг асосий омилдир. Бу каби кўнгилсизликлар туфайли мамлакат иқтисодига ҳар йили қарийб бир миллиард АҚШ долларини микдорда зарар етди. Мазкур микдор соғлиқни сақлаш учун ажратилган йиллик маблағнинг учдан бир қисmini ташкил этади.

Савдодаги сусткашлик

Ўтказилган таҳлиллар якунига қараганда, жорий йилнинг ноябрь ойида Европада автомобиллар сотуви 6,5 фоизга пасайган.

Давлатлар мисолида олиб қарайдиган бўлсак, автоуловларга бўлган талаб Германияда 6,2, Францияда 10,8, Буюк Британияда 11,5, Италияда 21,1, Испанияда 25,5 ва Грецияда 62,6 фоизгача камайган. Умумий ҳисобда эса бу даврда "қўнқа қўнқа" бозорларида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қарийб олти юз минг донга кам машина сотилган. Европа автомобиль ишлаб чиқарувчилари ассоциацияси (АСЕА)нинг изоҳлашича, вазиятнинг бундай тус олишига Фарбий Европа мамлакатларида жорий этилган утилизация дастури муваффақиятли бўлган.

Ҳарбий самолёт ҳалокати

Чехияда "L-39" русумли ҳарбий самолёт ҳалокатга учради.



нафар учувчи бўлган. Қўрилган тезкор чоралар туфайли уларнинг ҳаёти сақлаб қолинган. Маълумот сифатида айтиб ўтамиз, жорий йилнинг июль ойида ҳам Чехияда шу русумли самолёт двигателида юзага келган муаммо туфайли кулаб тушганди.

Бирлашган ўзар

Швейцариянинг "Novartis" фармацевтика компанияси мамлакатдаги ана шу соҳада етакчи корхоналардан бири — "Alcon" компаниясини ўз таркибига қўшиб олишини маълум қилди.

Келишувга кўра, "Novartis" "Alcon"нинг 23 фоиз қимматли қўғозларига эгаллик қилади. Бунинг учун 12,9 миллиард АҚШ доллари микдорда маблағ тўлайди. Мазкур икки корхона ҳам кўзи даволаш ва парвартиш учун зарур бўладиган дори-дармон воситалари ишлаб чиқаради.

Ёлгон маълумот учун жарима

Франциядаги сут маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи "Danone" компаниясининг АҚШдаги бўлими — "Danone" 21 миллион доллар микдорда жарима тўлайдиган бўлди.

АҚШ Федерал савдо комиссияси мазкур корхона истеъмолчилар ҳуқуқларини бузганини аниқлагач, ана шундай қарорга келинди. Гап шундаки, "Danone" ўз маҳсулотларини реклама қилишда асосиз маълумотлардан фойдаланган. Яъни компания томонидан ишлаб чиқарилаётган "Activia" йогуртлари ва "DanActive" салқин ичимликлари иммунитетни ошириш ҳамда оёқда хазм бўлишини яхшилаш хусусиятларига эга, дея тарғиб қилинган. Текширув



жараёнида эса бу маълумот тасдиқланмади. "Danone" компаниясига 1919 йилда асос солинган бўлиб, у асосан, сут маҳсулотлари, болалар учун озиқ-овқатлар ҳамда маъданли сувлар ишлаб чиқаради.

Хоризк матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

O'ZSANOATQURILISHBANK

Сирдарё вилоятининг Ховос туманидаги "Одил Али" фермер хўжалиги аҳоли маҳсулот етиштириш билан чегараланиб қолмай, балки уни қайта ишлашни ҳам йўлга қўйгач, кўпчиликнинг оғзига тушди. Айниқса, бу ерда қадоқланаётган сут маҳсулотлари сифат жиҳатидан барчага манзур бўлмоқда.

— Бунда "Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Сирдарё минтақавий филиали томонидан ажратилган 135,8 миллион сўмлик кредит кўл келди, — дейди хўжалик раҳбари Абдурасул Адиллов. — Жорий йилнинг апрель ойида ушбу маблаққа замонавий ускуна харид қилиб, сутни қайта ишлашга киришган эдик. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай маҳсулотларимиз ўз харидорини топиб улгурди. Йил охиригача фақат ушбу лойиҳанинг ўзидан 52,5 миллион сўм фойда олишни мўлжаллаб турибмиз.

мижозга намунали хизмат кўрсатилмоқда. Жамоа томонидан асосий эътибор банкнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо, қурилиш сингари соҳаларни ривожлантиришга қаратилаётгани натижасида жорий йилнинг ўтган ўн ойи давомида филиалнинг жами кредит қўйилмаси қарийб 31 миллиард сўмни ташкил этди. Бу маблағнинг 15 миллиард 408,7



САРМОЯЛАР — ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАРГА

Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар, хусусан, банк-молия тизимини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар туфайли молия муассасалари фаолиятида барқарор ўсиш суръатлари кузатилаётган. Банк ва мижоз ўртасидаги ўзаро ишончли ҳамкорлик алоқалари тобора мустаҳкамланиб бораётган. Хусусан, "Ўзсаноатқурилишбанк" Сирдарё минтақавий филиалининг 5 та минибанки, 2 та жамғарма кассаси, 2 тадан валюта айирбошлаш ва пул ўтказмалари шохобчалари орқали 1151 нафар

миллион сўми қисқа, 15 миллиард 503,9 миллион сўми узок мuddатли кредитлардир. Таъкидлаш жоизки, молия

22,4 миллион сўм микдорда сармоя йўналтирилган ҳам эътиборга лойиқдир. Гулистон шаҳридаги "Сирдарё тайёрлов таъминот савдо" маъсуляти чекланган жамияти — филиалнинг мижозларидан бири. Мазкур жамиятга жорий йилнинг бошида банк томонидан савдо дўкони, умумий оқватлиниш ва автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчалари қуриш учун 1 миллиард сўм микдорда кредит ажратилган эди. Пировардида жамият томонидан 140 та савдо дўкони ҳамда 250 ўринли умумий оқватлиниш мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Айти пайтда улар аҳолига намунали хизмат кўрсатмоқда.

Молия муассасаларида

муассасалари фаолиятининг янада кенгайиши, уларнинг аҳоли билан ишончли ҳамкорлик ўрнатишида давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган Фармон ва қарорлар муҳим аҳамият касб этапти. Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони, шунингдек, "Баркамол авлод йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш учун филиал томонидан 4 миллиард 799,6 миллион сўм микдорда маблағ ажратилгани бунинг ёрқин далилидир. Бундан ташқари, филиал жамоаси томонидан "2009 — 2012 йилларда Сирдарё вилоятининг саноат салоҳиятини ошириш, истиқболсиз корхоналарни таркибий ўзгартириш, молиявий соғломлаштириш" худудий дастурига мувофиқ, ушбу мақсадларга 3 миллиард

Конституцияимиз қабул қилинганнинг 18 йиллигига бағишланган тантанали йилгилида 2011 йил Президентимиз томонидан "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилинди. Демак, мазкур соҳа келгусида янада раванқ топади, тадбиркорларнинг имконият ва салоҳияти бугунгидан-да юксалади. Филиал жамоаси эса ўз маблағ ва хизматлари билан уларга яқиндан қўмақлашаверади.

қаришни ўзлаштириш учун банкнинг 300 миллион сўмлик кредитидан унумли фойдаланди. Ҳозир бу ерда бир кеча-кундузда 34 тоннадан зиёд маҳсулот тайёрланмоқда. Филиал раҳбари Э. Қўчқоровнинг айтишича, ўтган вақт мобайнида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга иқтисослаштирилган корхоналарга қарийб 2 миллиард сўм, ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқараётган корхоналарга 1 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилгани ҳам ўз самарасини бермоқда. Шу билан бирга, банк кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга ҳам муносиб улуш қўшмоқда. Филиалнинг 9 миллиард 775,6 миллион сўм маблағи мазкур соҳа вакилларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилиб, 1412 та иш ўрни яратилгани бунга мисол бўла олади. Жумладан, Гулистон шаҳридаги "Савдо харид файз" хусусий корхонасига ажратилган 750 миллион сўмлик маблағ эвазига Австриядан гўшт маҳсулотларини қайта ишлайдиган замонавий ускуна келтирилди.

Шомурод ХОЛМУРDOV. 1

Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Самарқанд филиали

ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

РКТАБ Самарқанд филиалининг савдолар залида 2010 йил 31 декабрь кuni соат 11.00 да ўтказиладиган, объект бошланғич баҳоси юқорилаб борувчи очик аукцион савдоларига қуйидаги объектлар қайтадан қўйилмоқда.

1. Суд ижрочилари Самарқанд шаҳар бўлими томонидан савдога қўйилган:

1. ЖИБ Ташкент шаҳар судининг 2010 йил 26 апрелдаги ЖСК-1/77-2010-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Мир Саид Барак кўчасида жойлашган, 2 қаватли, қурилиш ости майдони 351,11 кв.м.дан иборат 21-уйнинг 34/100 қисми. Бошланғич баҳоси — 324 402 750 сўм.

2. ЖИБ Ташкент шаҳар судининг 2010 йил 26 апрелдаги ЖСК-1/77-2010-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд шаҳри, Садриддин Айний кўчаси, 4-уйда жойлашган, 2 қаватли, қурилиш ости майдони. Ресторан 2007 йилда қурилган, умумий ер майдони — 1709,55 кв.м., қурилиш ости майдони — 822,67 кв.м., фойдаланиш майдони — 1454,35 кв.м. Бошланғич баҳоси — 673 569 900 сўм.

II. Суд ижрочилари Самарқанд тумани бўлими томонидан савдога қўйилган:

1. Самарқанд вилояти хўжалик судининг 2009 йил 6 февралдаги 14-09-07/17143-сонли ижро ҳужжатида асосан хатланган, «Тоҳирий» ИЧФСҒа қарашли, Самарқанд тумани, Мулиён қишлоғида жойлашган,

«Тоҳирий-Мулиён» савдо умумий оқватлиниш мажмуи ва ишлаб чиқариш цехи, 2000 йилда қурилган, қурилиш ости ер майдони — 2322,8 кв.м., фойдаланиш майдони — 2747,84 кв.м. Бошланғич баҳоси — 770 968 899 сўм.

2. Самарқанд вилояти хўжалик судининг 2009 йил 6 февралдаги 14-09-07/17143-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Самарқанд туманидаги «Тоҳирий ПТФ»га қарашли пиво ишлаб чиқариш технология ускунаси. Бошланғич баҳоси — 342 477 421 сўм.

Ушбу аукцион савдоларида сотилмай қолган мулкларнинг такрорий аукцион савдоси 2011 йил 21 январь кuni соат 11.00 да ўтказилади.

Мазкур мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойга чиқиб танитиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидида талабдорлардан аризаларини қабул қилиш савдо бошланғич баҳоси бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидида бўлган талабдорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи микдоридида зақалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, савдо ташкилотчиси — РКТАБ Самарқанд филиалининг ОАТБ «Ҳамкорбанк» Самарқанд минтақавий филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 202080060446041001, МФО: 01030, СТИР: 206074208.

Манзилимас: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси, 148-уй, 1-қават, 1-хона. Телефон: (8-366) 234-06-38.

ОБОД ҚИШЛОҚЛАР — ЮРТ КЎРКИ

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари қишлоқ жойларда аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Бу борада Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори муҳим дастуриламал бўлаётган.

Мазкур ҳужжатга мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ ва овулларида ҳам намунавий лойиҳалар асосида яқна тартибдаги уй-жойлар барпо этиш ишлари изчиллик билан олиб борилаёпти. Ушбу бунёдкорлик ишлари натижасида нафақат замонавий бир кун қолганда тўхтатилади.

қиқариш қувватига эга мазкур корхона жорий йил якунига қадар фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган. Яна бир эътиборли жиҳат, намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган янги турархоналар атрофида 5 та савдо мажмуаси, битта бозор, 4 та новобойхона, 5 та болалар спорт майдончаси, 5 та минибанк ва 4 та гузар қурилиш ҳам изчил давом эттириллапти.

Қарор ва ижро

Келгуси йили минтақада 55 гектардан зиёд майдонда яна 345 та уй-жой қурилиши, уларнинг атрофида 33 та ижтимоий объект ва бозор инфратузилмалари бунёд этилиб, фойдаланишга топширилиши режалаштирилмоқда. Хуллас, бундай бунёдкорлик ишлари қишлоқ овулларида ривожланиши янада обод ва қўрамлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Зеро, қишлоқ тарққиёти турмуш фаровонлиги қалфатилади.

Қалбай ТИЛЕМУРАТОВ, «Қишлоқ қурилиш инвестиция-инжиниринг компаниясининг Қорақалпоғистон филиали директори.

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК

аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим омил бўлмоқда

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 18 йиллигига бағишланган тантанали йилгилидаги маърузасида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, пировардида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, турли хасталиклар келиб чиқишининг олдини олиш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар юксак самара бераётганини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Бунга Бухоро вилоятида амалга оширилаётган ишлар ҳам яққол мисол бўла олади.

Тиббиёт

Президентимизнинг 2009 йил 21 майдаги "Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш бўйича ҳам худудда қатор ишлар амалга оширилмоқда. Чунинки, вилоят "Тез ёрдам" хизматидаги автосарой ҳамда унинг туманлардаги шохобчалари 506 миллион сўм микдордаги давлат бюджети ва хонимлар маблағи ҳисобидан замонавий талаблар асосида таъмирланди. "Тез ёрдам" машиналарига 85 та радиолоқа воситалари ўрнатилди. 12 та қишлоқ фуқаролар йиғини худуди-

